

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD. 03/30.12.2019.В.76.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

---

ДУМАЕВА ЗУХРА НАСИРДИНОВНА

ТУРЛИ ЁШДАГИ КАЛАМУШЛАРДА ЖИГАРНИНГ ГОМЕОСТАЗ  
ФАОЛИЯТИГА ГИПОКИНЕЗИЯ ВА ГАММА НУРЛАРИНИНГ  
ТАЪСИРИ

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2020

УДК: 612.351.11:615.849.1 (043.3)

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси авторферати мундарижаси

Оглавлени авторферата диссертации доктора  
философии (PhD) по биологическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor  
of philosophy (PhD) on biological sciences

Думаева Зухра Насирдиновна

Турли ёшдаги каламушларда жигарнинг гомеостаз фаолиятига  
гипокинезия ва гамма нурларининг таъсири..... 3

Думаева Зухра Насирдиновна

Влияние гипокинезии и гамма облучения на деятельность гомеостаза  
печени у крыс разного возраста..... 21

Dumaeva Zuxra Nasirdinovna

Effect of hypokinesia and gamma rays on the activity of homeostasis of the liver  
in rats of different ages..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ  
List of published works..... 41

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD. 03/30.12.2019.В.76.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДУМАЕВА ЗУХРА НАСИРДИНОВНА

ТУРЛИ ЁШДАГИ КАЛАМУШЛАРДА ЖИГАРНИНГ ГОМЕОСТАЗ  
ФАОЛИЯТИГА ГИПОКИНЕЗИЯ ВА ГАММА НУРЛАРИНИНГ  
ТАЪСИРИ

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2020

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/В138 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Анджон давлат университетига бажарилган.

Диссертация авторферрати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.pamdu.uz](http://www.pamdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қодиров Шокир Қолирович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Гофуржон Рахимжанович,**  
биология фанлари доктори

**Хамрақулов Шариф Хошимович,**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон**  
**Миллий университети ҳузуридаги**  
**Биофизика ва биокимё институти**

Диссертация химояси Наманган давлат университетига хузуридаги PhD.03/30.12.2019.В.76.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «18» сентябрь соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй; Наманган давлат университети мажлислар зали. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz).

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида таништиш мумкин (18 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.

Диссертация авторферрати 2020 йил «15» сентябрь куни тарқатилди.  
(2020 йил «15» сентябрь даги № 10 рақамли ресстр баённомаси).



**Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарураги. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги маълумотларига кўра, булутни тараккиёт туфайли инсоният ҳаёт тарзида камҳаракатлиликка одаланаётгани кўнлаб тиббий-ижтимоий муаммоларга сабаб бўлмоқда. Дунё микёсида қайд этилаётган ўлим ҳолатининг 10 фоизи инсонларнинг камҳаракат хаёт тарзи билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, дунё бўйича 11-17 ёшли мактаб ўқувчиларидан 85 фоиз кизларда ва 78 фоиз ўғил болаларда гипокинезия яъни камҳаракатлилик кузатилмоқда. Бунинг натижасида аҳоли орасида юқумли бўлмаган айрим хавфли касалликлар - сут бези ва йўғон ичак саратони, қандли диабет, юрак ишемик касалликлари юзага келишига жиддий тўртга бўлмоқда. Шунга кўра, молекуляр физиологиянинг энергия алмашинувиغا асосланиб, турли хил стресс омиллар одам организмиде жигарнинг функционал фаоллиги гипокинезия ва γ-нурланишнинг таъсир механизmlарини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда каламушлар жигарининг гомеостаз фаолиятига гипокинезия ва γ-нурларнинг таъсири бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Ушбу стресс омилларнинг таъриба хайвонларида турли давомлиликдаги экспериментал гипокинезия ва γ-нурланишнинг каламушлар жигар тўқимасида ферментлар фаоллиги ва гомеостазига таъсирини аниқлашга қаратилган. Каламушларда экспериментал гипокинезия моделини юзага келтириш, γ-нурланиш таъсирини баҳолашда каламушларнинг жигар тўқимаси гомогенати ва кон зарбидеги амилонитик липолитик, аминотрансфераза (АЛАТ, АсАТ) ферментлари фаоллиги гомеостазига таъсирини тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, космонавтикада гипокинезия ва радиациянинг комплекс таъсир шароитида одам организм иш бажариш қобилиятининг ўзгариши, хужайраларда эркин радикаллар тўпланиб, перекисли оксидланиш жараёнлари жадаллашиши ва хужайра мембранасининг липид кавати тузилишининг ўзгаришини аниқлаш, нурларнинг сурункали таъсир этиши қондаги ферментатив ўзгаришлар гепатоцитларда патологик жараёнларни очиб беришда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикаимизда гипокинезия ва γ-нурланиш натижасида келиб чиқадиган жигар фаолияти билан боғлиқ касалликларни олдини олиш ва даволаш самардорлигини оширишга қатъ эътибор қаратилди. Бу борада каламушлар қонидаги айрим ферментлар фаоллигининг экспериментал гипокинезия ва γ-нурланиш шароитида ёшга боғлиқ адаптация механизmlарини ишлаб чиқиш натижаларига эришилди. Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракалар стратегиясида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларни арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» муҳим вазифалар қилиб белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, экспериментал гипокинезия ва γ-нурланишнинг комплекс

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракалар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

таъсирида жигар тўқимаси ва қонда гидролитик ферментлар фаоллигини ўзгаришини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 январдаги 65-сонли «Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Гиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Биологик организмларга гипокинезия ва γ-нурланишнинг таъсир механизмларини аниқлаш бўйича маълумотлар Смирнов К.В., (1990) Изатулин А.В. (2005), Zorbas Y.G. (2009) Камскова Ю.Г., Локтионова И.В. (2003), Макарова О.А., Васильева Л.С. (2002), Стельникова И.Г., Эделева Н.К., Петрова Н.И. (2000), Munoz R.V., Goncalves L.F., Nunes R.D. (2001); МДХ давлатларида ҳам Материй Л.Д., Гончарев М.И. (1998), Тқачшин В.С. (1997) ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Республикада гипокинезиянинг стресс омили сифатида одам ва тажриба хайвонлари организмда овқат хазм қилиш тизими ферментлари фаоллигига таъсир механизмини ўрганиш йўналишидаги тадқиқотлар Ашурова Р.Э., Қодиров А.Н., Жалолов Р.Д. (2005), Мирзарахимова М.А. (2006) Коротко Г.Ф., (1983), Қодиров Ш.Қ. (1994); Жуманазаров Б.М. (2000), Бўтабев М.Т., Бобожонова Ш.А., Шамсутдинова М.И., Мусаев И.Б. (2006), Меркулова Г. (2008) томонидан амалга оширилган. Уларнинг илмий изланишларида Республикада «Чернобиль фожеси» (Украина) ликвидаторлари сифатида катнашган одамлар организмда овқат хазм қилиш тизимида ферментлар фаоллиги кўрсаткичлари нисбатан кескин фарқланиши аниқланган. Бироқ, юқоридаги илмий натижаларда турли хил стресс омиллар - жумладан, гипокинезия, γ-нурланишнинг одам организмда жигарнинг функционал фаоллиги параметрларига таъсир механизмларига тўлиқ ойдинлик киритилмаган. Шунга кўра турли хил давомийликдаги экспериментал гипокинезия шароитида ёш, етук ва қари каламушлар жигар

тўқимасида ферментлар фаоллиги ва гомеостазига таъсирини аниқлаш, муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Анжигон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 04.93.0000.775 «Хазм физиологияси» мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** экспериментал гипокинезия шароити ва γ-нурланиш таъсирида турли хил ёшдаги тажриба каламушларнинг жигари ферментлари фаоллиги гомеостазига таъсирини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ёш, етук ва қари каламушлар жигар тўқимасида ва қонда гидролитик ферментлар фаоллигини тадқиқ қилиш;

турли хил давомийликдаги экспериментал гипокинезия шароитида ёш, етук ва қари каламушлар жигар тўқимасида ферментлар фаоллиги ва гомеостазига таъсирини аниқлаш;

γ-нурланишнинг (4 Grey) етук каламушлар жигар тўқимаси ва қонда ферментлар фаоллигига таъсирини тадқиқ қилиш;

γ-нурланиш (4 Grey) ва турли хил давомийликка эга экспериментал гипокинезиянинг етук каламушлар жигар тўқимаси ва қонда ферментлар фаоллигига ва гомеостазига комплекс таъсирини тасвиқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** турли хил ёш даврларидаги тажриба каламушлари, қон ва жигар гомогенатидаги ферментлар ҳамда экспериментал гипокинезия ва γ-нурлантириш усули ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** экспериментал гипокинезия шароитида ва γ-нурланишнинг каламушларда жигар ва қондаги ферментлар фаоллиги гомеостазига таъсирини физиологик-биокимёвий асосда тасвиқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида умумий қабул қилинган стандарт, тажриба хайвонларида экспериментал гипокинезияни юзата келтириш усули, тажриба хайвонларини γ-нурлантириш усули ва олинган тажриба натижаларини математик-статистик қайта ишлаш услубларидан фойдаланилган.

**Диссертация тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат: илк бор турли хил ёш даврларидаги (ёш, етук ва қари) каламушлар жигари тўқимаси ва қондаги айрим ферментлар фаоллигининг экспериментал гипокинезия ва γ-нурланиш шароитида ёшга боғлиқ адаптация механизми аниқланган; экспериментал гипокинезия таъсирида каламуш жигари тўқимаси ва айниқса, қонда амилаза ферменти фаоллиги ва умумий оқсиллар микдори ортиши аниқланган;

гипокинезиянинг 30 ва 60 кунларида липаза ферменти фаоллиги сезиларли даражада ортиши қайд қилиниб, шунингдек ушбу ҳолат стресс омили таъсири шароитида глюкокортикоидлар концентрацияси ортиши, гормоннинг бевосита секреция механизми стимуляциялаши ва меъда

секрециясини тормозловчи механизмлар фаоллигини сусайтириши оркали кучайтириши очиб берилган;

$\gamma$ -нурланишнинг дозасига боғлиқ ҳолда хазм ферментлари (амилаза, липаза) синтезини ва уларнинг қонга инкретиляниши жараёни фаоллигини сезиларли даражада сусайтириши тавсифланган;

экспериментал гипокинезия ва  $\gamma$ -нурланишнинг комплекс таъсирида каламуш жигари тўқимаси ва қонда ферментлар фаоллиги кескин сусайиши, гипокинезияда организмнинг радиацияга нисбатан специфик жавоб реакциясини ўзгартириши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

турли хил ёш даврларидаги (ёш, етуқ ва қари) каламушлар жигари тўқимаси ва қондаги айрим ферментлар фаоллигининг экспериментал гипокинезия ва  $\gamma$ -нурланиш шароитида ўзгаришлари, умумий оқсиллар миқдори ортишидаги аниқланган;

экспериментал гипокинезия шароити ва  $\gamma$ -нурланиш таъсирида турли хил ёш даврларидаги (ёш, етуқ ва қари) тажриба каламушларнинг жигар тўқимаси гомогенати ва қон зардобидаги амилаolitik, липolitik, ферментларнинг фаолликларини ўзгариши бўйича олинган илмий натижалар асосида клиник тиббиёт амалиётида инсон организмга турли ёш даврларида гипокинезиянинг ҳамда  $\gamma$ -нурланишнинг салбий таъсирларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини тўғри ташкил қилиш асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги ва улар асосида олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилган. Назорат ва тажриба ўргасидаги фарқ *t*-Стюдент критерийси ва ишончлилиқ кўрсаткичи (*P*) асосида ҳисобланганлиги ҳамда маълумотларни OriginPro 7.0 (Microsoft USA), дастури асосида математик-статистик таҳлил қилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли хил ёш даврларидаги (ёш, етуқ ва қари) тажриба каламушларини экспериментал гипокинезия ва  $\gamma$ -нурланиш шароитида жигари тўқимаси ва қондаги умумий оқсиллар миқдори ортишидаги ўзгаришлар, липolitik ва амилаolitik ферментлар фаоллигини комплекс равишда баҳолашнинг янгича ёндашуви таклиф қилинди ва ушбу ҳолат хозирда ортиб бораётган камҳарақат ҳаёт тарзи ва радиациянинг инсон организмга таъсир механизмларини аниқлашга ёрдам бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган фундаментал натижалар турли ёшдаги инсонларнинг организмдаги биологик сувоқликлар ва жигаридаги физиологик-биокимёвий ўзгаришларга гипокинезия ва  $\gamma$ -нурланишнинг таъсир механизмларини илмий тажрибалар натижаларга асосланиб, исботлаб берилгани ва олинган натижалар камҳарақатлилик ва радиация муаммосини молекуляр механизмларини ечишда асос сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турли ёшдаги каламушларда жигарнинг фаолияти гомеостазига гипокинезия ва  $\gamma$ -нурланишнинг таъсирини тавсифлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

экспериментал гипокинезия ва гамма нурланишнинг комплекс таъсирида моддалар алмашинувининг фаоллиги кескин сусайиши натижасида стресс таъсирига организмнинг чдамллигини камайиши, юрак-қон томир тизими, нафас олиш тизими ҳамда скелет мускулларида ўзгаришлар натижалари Андижон вилояти жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошқармасида стресс омилларининг одам организмга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган чора тадбирлар комплексини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт Вазирлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 03-07-08-1423-сон далолатномаси). Натижада спорт ўйинларида спортчиларни ҳаракат самардорлигининг аҳамияти ва жисмоний фаоллигини ортиши имкониятини яратган;

экспериментал гипокинезия таъсирида жигар тўқимаси ва қонда ферментлар фаоллиги кескин сусайиши, гипокинезия организмнинг радиацияга нисбатан специфик жавоб реакциясини ўзгартириши бўйича маълумот ва хулосалар асосида «5140100-биология», «5112000-жисмоний маданият», «5102000-педиатрия иши» «510100-даволаш иши» бакалавриат таълим йўналиши бўйича «Ҳазм физиологияси» ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Пувохнома, №394-234). Натижада бакалаврларнинг хазм физиологияси соҳасидаги билимларини бойитиш ва мустаҳкамлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иши нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйҳагидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш,

нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Гипокинезия ва гамма ( $\gamma$ )-нурланишнинг биологик организмга таъсир механизми» деб номланган биринчи бобида замонавий адабиётлар асосида мотор-висцерал рефлексор таъсир концепциясига мувофиқ, одам организмиде мускулларнинг функционал фаоллиги бевосита организмнинг умумий ҳолати мувозанатини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланиши, кишилик жамиятининг замонавий тараққиёти (информацион технологиялар, механизация ва автоматизация ривожланиши) умумий ҳолатда одам организмнинг жисмоний фаоллиги кескин сусайишига олиб келиши сабабли, гипокинезия ва гиподинамия механизми ва унинг олдини олишда самарали услубларни ишлаб чиқиш масаласи тиббий-ижтимоий, физиологик-биокимёвий нуқтаи назардан долзарб аҳамиятга эга ҳисобланиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари ҳозирги вақтда радиотерапия онкологик касалликларни даволашда етарли даражада самарали усуллардан бири ҳисобланиши тасдиқланган бўлсада, бирок радиация таъсирини жигар функциясининг бузилиши жиддий патологик ҳолат ривожланишига сабаб бўлиши ҳақидаги сўнги адабиётлар келтирилган. Шундай қилиб, радиацион нурланишнинг жигар структураси ва функциясига таъсир механизмларини ўрганиш радиотерапиядан фойдаланиш усулларини такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «*In vivo* шароитида таъсир ва гамма ( $\gamma$ )-нурланиш шароитида экспериментал гипокинезия модели ва гамма ( $\gamma$ )-нурланиш шароитида функционал параметрлар ўзгаришини баҳолаш услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш босқичлари, уларни баъжарилишида фойдаланилган материаллар ва услублар келтирилган. Хусусан, гипокинезия ва радиация таъсирини сўнг таъсир ва назорат гуруҳи каламушлари жигар тўқимаси томогенаг фильтрати ва кон плазмаси таркибида АлАТ, АсАТ, амилаза, липаза ферментлари фаоллиги аниқланган, жигар тўқимаси ва кон таркибидаги ўрганилган ферментлар кўрсаткичлари қийматларининг ўзаро корреляция типидеги боғлиқлиги тахлил қилинган. Шунингдек, таъсир ва назорат гуруҳи ўртасидаги қийматларнинг статистик ишончлик даражаси Стъюдент *t*-мезони асосида ҳисобланган ва  $p < 0,05$  қийматда статистик ишончли деб баҳоланган.

Диссертациянинг «Экспериментал гипокинезия модели ва гамма ( $\gamma$ )-нурланишнинг каламушлар тана вазнига таъсирини» деб номланган учинчи бобида назорат гуруҳи каламушларида 1 кундан сўнг тана вазнида ўзгаришлар сезилмаганлиги, 3 кундан сўнг эса мутлоқ миқдорда назорат гуруҳи вазн кўрсаткичида ўзгариш сезилмаган бўлсада, фоизларда дастлабки ҳолатига нисбатан 18% га ортганлиги аниқланди. Кейинги кунларда тобора орғиб 60 кунда назорат гуруҳи каламушларининг вазни дастлабки ҳолатга нисбатан 20% гача ортганлиги аниқланди. Етук каламушлар назорат гуруҳларидаги вазнининг орғиши 20 кундан бошлаб сезиларли бўлди. 20 кундан 60 кунгача бўлган даврда назорат гуруҳи каламушлар вазни дастлабки ҳолатга нисбатан

13-14% га орғиди. Қари назорат гуруҳ каламушларида ҳам етук каламушлар каби 20 кундан бошлаб дастлабки ҳолатига нисбатан тана вазни ортганлиги кузатилди. Қари каламушларнинг назорат гуруҳида ҳам таъсирнинг 20 кундан то 60 кунгача бўлган даврда тана вазни дастлабки ҳолатга нисбатан 7-11% гача ортганлиги аниқланди.

Таъсир ва гамма ( $\gamma$ )-нурланишнинг каламушларида ҳам етук каламушлар каби 20 кундан бошлаб дастлабки ҳолатига нисбатан тана вазни ортганлиги кузатилди. Қари каламушларнинг назорат гуруҳида ҳам таъсирнинг 20 кундан то 60 кунгача бўлган даврда тана вазни дастлабки ҳолатга нисбатан 7-11% гача ортганлиги аниқланди.

Таъсир ва гамма ( $\gamma$ )-нурланишнинг каламушларида ҳам етук каламушлар каби 20 кундан бошлаб дастлабки ҳолатига нисбатан тана вазни ортганлиги кузатилди. Қари каламушларнинг назорат гуруҳида ҳам таъсирнинг 20 кундан то 60 кунгача бўлган даврда тана вазни дастлабки ҳолатга нисбатан 7-11% гача ортганлиги аниқланди.

Таъсир ва гамма ( $\gamma$ )-нурланишнинг каламушларида ҳам етук каламушлар каби 20 кундан бошлаб дастлабки ҳолатига нисбатан тана вазни ортганлиги кузатилди. Қари каламушларнинг назорат гуруҳида ҳам таъсирнинг 20 кундан то 60 кунгача бўлган даврда тана вазни дастлабки ҳолатга нисбатан 7-11% гача ортганлиги аниқланди.

Таъсир ва гамма ( $\gamma$ )-нурланишнинг каламушларида ҳам етук каламушлар каби 20 кундан бошлаб дастлабки ҳолатига нисбатан тана вазни ортганлиги кузатилди. Қари каламушларнинг назорат гуруҳида ҳам таъсирнинг 20 кундан то 60 кунгача бўлган даврда тана вазни дастлабки ҳолатга нисбатан 7-11% гача ортганлиги аниқланди.

Таъсир ва гамма ( $\gamma$ )-нурланишнинг каламушларида ҳам етук каламушлар каби 20 кундан бошлаб дастлабки ҳолатига нисбатан тана вазни ортганлиги кузатилди. Қари каламушларнинг назорат гуруҳида ҳам таъсирнинг 20 кундан то 60 кунгача бўлган даврда тана вазни дастлабки ҳолатга нисбатан 7-11% гача ортганлиги аниқланди.

Таъсир ва гамма ( $\gamma$ )-нурланишнинг каламушларида ҳам етук каламушлар каби 20 кундан бошлаб дастлабки ҳолатига нисбатан тана вазни ортганлиги кузатилди. Қари каламушларнинг назорат гуруҳида ҳам таъсирнинг 20 кундан то 60 кунгача бўлган даврда тана вазни дастлабки ҳолатга нисбатан 7-11% гача ортганлиги аниқланди.

Таъсир ва гамма ( $\gamma$ )-нурланишнинг каламушларида ҳам етук каламушлар каби 20 кундан бошлаб дастлабки ҳолатига нисбатан тана вазни ортганлиги кузатилди. Қари каламушларнинг назорат гуруҳида ҳам таъсирнинг 20 кундан то 60 кунгача бўлган даврда тана вазни дастлабки ҳолатга нисбатан 7-11% гача ортганлиги аниқланди.

Таъсир ва гамма ( $\gamma$ )-нурланишнинг каламушларида ҳам етук каламушлар каби 20 кундан бошлаб дастлабки ҳолатига нисбатан тана вазни ортганлиги кузатилди. Қари каламушларнинг назорат гуруҳида ҳам таъсирнинг 20 кундан то 60 кунгача бўлган даврда тана вазни дастлабки ҳолатга нисбатан 7-11% гача ортганлиги аниқланди.

## Гипокинезия давомлигининг ёш каламушлар тана вазнига таъсири (M±m)

Кузатув кунлари	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	D фарқи	t стандартд Стьюдент буйича	t фактик натижа	P ишончлилик даражаси
1-кун	94 ± 4	104 ± 5	10	2.23	1.56	-
3-кун	105 ± 6	97 ± 5	8	2.23	1.02	-
10-кун	112 ± 5	93.3 ± 3	18.7	2.23	3.2	0.01
20-кун	111 ± 4	96 ± 6	15	2.23	2.08	-
30-кун	106 ± 4	88 ± 4	18	3.17	3.18	0.01
60-кун	110 ± 5	87 ± 4	23	3.17	3.59	0.01


Изох: Ушбу жадвалда \*P<0,05; \*\*P<0,01; n=6.

Итлар қондаги амилазанинг 23% альбуминлар ва 13% глобулинлар билан бириккан ҳолида бўлади Коротко Г.Ф.(2011). Амилазанинг оксид билан бириккан ҳолда бўлиши уларнинг ўзаро яқинлигига (аффинлигига) боғлиқ ва бу ҳолат ушбу ферментни бамисоли депода сақлайди. Гипоамилаземияда уларнинг аффинлиги ортади ва қондаги амилазанинг оксид билан бириккан қисми кўпаяди. Оксид билан бириккан амилаза қонда айланчи юради ва буйрак орқали унинг чиқарилиши камаяди, чунки оксид бириккан ферментни нефроннинг гломерулар мембранаси филтрация қилаолмайди. Гиперамилаземияда эса амилазанинг оксид билан бирикканлиги камаяди ва уни буйрак орқали чиқарилиши осонлашади.

Жигар тўқимасида эса ушбу фермент фаоллиги ортди. Стресснинг бу даври буйрак усти беги пўстлоқ қисмидан чиқувчи кортикорстероидларни кўп миқдорда қонга ажралиши, тўқималарда катоболик жараёнларнинг кучайиши билан кузатилади Смирнов К.В. (1990). Бизга маълум кортикорстероидлар хазм безларига симпатик нерв тизими каби таъсир этади, яъни трофикани кучайтиради, лекин шира ажралишини тормоқлайди.

Демак стресс омилнинг дастлабки хавотир даврида, биринчидан ферментларни секретацияси ва инкретияси камаяр экан, иккинчидан, қондаги амилолитик фаолликни пасайишига амилаза ферментини қондан жигар тўқимасига "оғиб кетиши" ҳам сабаб бўлиши мумкин. Тажрибадаги барча ёшдаги каламушлар жигар тўқимасидаги амилолитик фаоллик гипокинезиянинг биринчи кунда ишончли ортган.

Гипокинезиянинг кейинги кунларидаги қондаги ва жигар тўқимасидаги амилолитик фаолликни ўзгариши тажрибадаги каламушлар ёшига қараб фарқланди. Ёш каламушлар қондаги ушбу фаоллик тажрибанинг 3-кунда назоратга нисбатан 2-маротаба, 10-кун 3,5 маротаба, 20- кун 1,2 маротаба ва 30-кун 1,4 маротаба ортганлиги кузатилди (1-расм).



1-расм. Ёш каламушлар қондаги амилолитик активликка гипокинезиянинг таъсири \*P<0,05; \*\*\*P<0,001; n=6.

Жигар тўқимасидаги амилолитик фаоллик фақатгина тажрибанинг 1- ва 3-кунларида ортган бўлиб, қолган кунлари ушбу фаоллик назоратдан ишончли пасайди. Қон ва жигар тўқимасидаги амилолитик фаолликни бундай ўзгаришига стресс омил таъсирида қондаги амилазанинг ҳолати ўзгариши сабаб бўлиши мумкин. Қонда амилазанинг катта молекуласи яъни иммуноглобулин ёки полисахарид билан бирикма мажмуи ҳосил бўлиб рекрецияси бузилиши мумкин, чунки қондаги фермент эркин ҳолда бўлгандагина рекреция қилинади.


Етуқ каламушларда қондаги амилолитик фаоллик гипокинезиянинг 3- ва 10-кунларида ортди тажрибанинг 20-кундан токи охиригача назорат гуруҳи даражасида бўлди. Уларнинг жигар тўқимасидаги амилолитик фаоллик тажрибанинг 1; 3; 10 ва 20-кунларида ортган бўлса, 30 ва 60-кунлари назоратдан паст ҳолатда бўлди. Ушбу нагизаларимиз стрессор омилга ҳар хил ёшдаги каламушлар адаптация реакциясини бир хил эмаслигидадир. Ёш каламушларда ҳали бу реакция тўла шаклланмаган бўлса, етуқларда тўла шаклланган. Бу реакция организмнинг энергия алмашинувини ўзгартиришдан иборат бўлиб, энергетик алмашинуви бевосита гидролитик ферментлар фаоллигига боғлиқдир. Жигардаги ферментлар фаоллигини ўзгариши, уларнинг гомеостазини сақлашга йўналтирилган.

Қари каламушлардаги гипокинезиянинг 20-,30-кунларида қондаги амилолитик фаолликни кескин камайганлигини ҳар хил ёшдаги хайвонларда стрессга адаптация даврининг мос келмаслигида деб тушуниш мумкин. Бу

кунлар қари каламушлар учун стресснинг ҳолсизланиш даври бўлиши мумкин. Ҳолсизланиш даврида организмнинг стресс омилга адаптацияси бузилади, жумладан, безларда секретция жараёни, хусусан фермент ажрალიши кескин камайиши мумкин. Иккинчидан, бу даврда гистогематик баръернинг бузилиши ферментларни қондан рекреция қилинишини кучайтириши мумкин.

Диссертациянинг Турли ёшдаги каламушлар қони ва жигар тўқимаси амилолитик фаоллигига  $\gamma$ -нурланишнинг таъсири. Гамма нурланиш таъсирида турли ёшдаги каламушлар қони ва жигар тўқимасидаги амилолитик фаолликни ўзгариши фақат бир йўналишда, яъни назорат гуруҳига нисбатан камайганлигида намоён бўлди (2-расм, А ва Б).

Ёш ва қари каламушларда тажрибаимизнинг охирида (нурлангирилгандан сўнг 60 кун) амилолитик фаоллик назорат гуруҳи даражасига етди, лекин етук каламушларда дастлабки ҳолатгача тикланмади. Бунга сабаб гамма нурланиш таъсирида биологик организмларда кислотороднинг фаол шакллари (эркин радикаллар) концентрацияси ортиси турли хил тўқималар хужайралар антиоксидант тизимнинг барқарор функция бажаришига тўқинлик қилишида бўлиши керак.



2-расм. Ёш каламушлар қонидаги (А) ва жигар гомогенатида (Б) амилолитик фаолликка  $\gamma$ -нурланишнинг таъсири \* $P < 0,05$ ; \*\* $P < 0,01$ ;  $n = 6$ .

Жигар тўқимаси хужайралари турли хил эндоген ва экзоген омиллар таъсирига жуда сезгир бўлиб, уларга нисбатан жавоб реакцияси биринчи навбатда гепатоцитларда ферментатив тизим фаоллиги ўзгариши орқали амалга ошади, бунга пероксидли оксидланиши маҳсулотлари концентрацияси ортиси сабаб бўлиши мумкин. Узбекиков ва бошқ., (2016); Diaz-Juarez et al. (2017).

Диссертациянинг Турли ёшдаги каламушлар қони ва жигар тўқимаси липолизик фаоллигига  $\gamma$ -нурланишнинг таъсири. Ёш каламушлар қонидаги липолизик фаолликни активлигига  $\gamma$ -нурланишнинг таъсири

аниқланганмизда назорат гуруҳи жигар гомогенати таркибиде липолизик қондагига нисбатан бир мунча ўзгаришлар кузатилди. Бизга адабиётлардан маълум, биринчидан қондаги липаза албумин ва  $\beta$ -лактоглобулинлар томонидан ингибирланади ва иккинчидан, қонга липаза кўп аъзолардан тушади. Демак, жигар тўқимасида қонга нисбатан липаза фаоллигининг юқори эканлигига қараб, липазани қонга чиқарадиган аъзолардан бири жигар экан деган ҳулосага келиш мумкин.

Ёш каламушлар нурлангирилгандан сўнг 10-кунда уларнинг қони ва жигар гомогенатидаги липолизик фаоллик фойизларда ишончли камайди. Бу камайиш қонда назорат гуруҳи кўрсаткичига нисбатан 25% ни ва жигар тўқимасида 18% ни ташкил қилди. Тажрибанинг 20 кунда эса бу кўрсаткичлар янада кичикроқ даражага тушди, яъни қондаги липолизик фаоллик назоратга нисбатан 31% га ва жигар тўқимаси 28% га камайганлиги аниқланди. Тажрибанинг 30 кунда нурлангирилган каламушлар қони ва жигар тўқимасидаги липолизик фаоллик назорат гуруҳи кўрсаткичи даражасига етди.

Етук каламушлар қонида липолизик фаоллиги  $\gamma$ -нурланиш таъсирида тажрибанинг 1 кунда назоратга нисбатан 14% га ортган бўлса, 3; 10 ва 20 кунларда эса уларнинг фаоллиги мос равишда ишончли 20%, 25% ва 25% га камайганлиги аниқланди. Тажрибанинг 30 ва 60 кунларида қондаги липолизик фаоллик  $\gamma$ -нурланиш таъсирида ўзгармасдан қолганлиги қайд этилди. Етук каламушлар жигар гомогенатидаги липолизик фаоллиги  $\gamma$ -нурланиш таъсирида назоратга нисбатан тажрибанинг 3; 10; 20; 30 ва 60 кунларида назоратга нисбатан камайганлиги аниқланди. Нурлангирилганда етук каламушларда ҳам худди ёш каламушлардаги каби тажрибанинг 10 кунда липолизик фаоллик жигар тўқимасида назорат гуруҳига нисбатан 15,4% га пасайди. Тажрибанинг 30 кунда қон ва жигар тўқимасидаги липолизик фаоллик назорат гуруҳи даражасига етди. Етук каламушлар жигар тўқимасидаги липолизик фаоллик ёш каламушларнинг ушбу кўрсаткичидан ишончли паст эканлиги кўришиб туришти. Демак ушбу ферментнинг тўқималардаги фаоллиги ёшга оид ўзига хосликка эга эканлиги ва нурлангирилгандан сўнг жигар тўқимасидаги липолизик фаоллик қондаги бу кўрсаткичга нисбатан тезроқ ўз холига қайтар экан.

Қонда липолизик фаоллик тажрибанинг 1; 10 ва 20 кунларида назоратга нисбатан мос равишда 16%, 14% ва 27% га пасайди. Тажрибанинг 3 ва 60 кунларида липолизик фаоллик нурланиш таъсирида ўзгармаган бўлса, 30 кунликда эса назоратга нисбатан 7% ортанлиги аниқланди. Тажрибанинг 10 ва 20 кунларида қари каламушлар жигар тўқимасидаги липолизик фаоллик  $\gamma$ -нурланишнинг таъсири назоратга нисбатан 21,4 ва 23,4% га ишончли пасайди Қари каламушлар жигар гомогенати липолизик фаоллиги ёш ва каламушларнинг ушбу кўрсаткичига нисбатан бир неча бор юқори




эканлиги аниқланди. Демак ҳар хил ёшдаги каламушлар тўқимаси фермент потенциаллари бир хил бўлмасдан, ёшга оид ўзига хосликларга эга экан.

Олинган натижаларимиздан қуйидаги хулосалар келиб чиқади: Жигар тўқимасидаги липолиitik фаоллик ёшга оид ўзига хосликларга эга бўлиб, етук, ёш ва қари каламушларда турли катталикларга эга бўлар экан. Энг кам липолиitik фаоллик етук каламушларда, ёшларда кўпроқ ва энг катта кўрсаткич қари каламушларга хос экан. Барча ёшдаги каламушларнинг жигар тўқимаси ва қонида тажрибанинг 10 кунинда липолиitik фаоллик пасайиб, 30 кунинда дастлабки ҳолига қайтмоқда. Фақатгина қондаги липолиitik фаоллик тажрибанинг 20 кунинда пасайиб бошқа ҳолағларда назорат гуруҳи даражасида қолди.

**Турли ёшдаги каламушлар қони ва жигар гомогенатидаги АлАТ фаоллигига γ-нурланишнинг таъсири.** Гепатоцитлар шикастланганда хужайра ичида жойлашган энзимлар қонга чиқиб кетади. АсАТ гепатоцит, скелет мускуллари, буйрак, юрак, мия ва меъда ости беши хужайра цитозоли ва митохондрияларида жойлашган. АлАТ эса асосан жигар хужайраларида жойлашган. Шунинг учун ҳам АлАТ га жигар хужайраси шикастланганлиги маркери сифатида қаралади. Ёш каламушлар нурлантирилгандан сўнг биринчи 1 кундан бошлаб 20 кунга қадар қон ва жигар гомогенатидаги АлАТ фаоллиги назоратга нисбатан ишончли ортганлиги аниқланди. Тажрибанинг 3 кунинда қондаги АлАТ фаоллиги янада юқориқроқ бўлди, яъни назоратга нисбатан 2,5 баробар ортди. Тажрибанинг 10 ва 20 кунлари АлАТнинг қондаги фаоллиги назоратдан 1,5 баробар юқори бўлди. Жигар тўқимасидаги ушбу фаоллик тажрибанинг бошидан то унинг 20 кунигача назорат кўрсаткичидан 40-50% га юқори эканлигини аниқлади. Тажрибанинг 30 ва 60 кунларида қон ва жигар гомогенатидаги АлАТ фаоллиги назоратга нисбатан ўзгармади.

Етук каламушлар қони ва жигар гомогенатидаги АлАТ фаоллиги γ-нурлангандан сўнг (3-расм, А ва Б) тажрибанинг биринчи кунидан ортди, айниқса жигар тўқимасидаги ушбу фаолликни ортиши кескинроқ кўринишга эга бўлди. Тажрибанинг биринчи кунинда қондаги АлАТ фаоллиги назоратга нисбатан 1,4-1,5 маротаба ортган бўлса, жигар гомогенатида у 2,8 маротаба юқори бўлди. Тажрибанинг 30 кунигача АлАТ фаоллиги деярли бир хил даражада назоратдан юқориликка қолди. Фақат тажрибанинг 60 кунинда АлАТ фаоллиги тажрибадаги каламушлар қони ва жигар гомогенатида дастлабки ҳолағга (назорат) қайтди (3-расм, А ва Б). Агар ёш ва етук каламушларда олинган натижалар солиштирилса, етук каламушлар нурлантирилгандан сўнг жигар тўқимасидаги ушбу ферментнинг фаоллиги дастлабки ҳолағга қайтиши секин амалга ошганлиги гувоҳи бўламоқ. Қари каламушлар қони ва жигаридаги АлАТ фермент фаоллигига γ-нурланишнинг таъсири аниқлаганимизда, уларнинг қони ва жигар гомогенатидаги АлАТ фаоллигининг ўзгариши худди ёш каламушлардагидек кўринишга эга

бўлганлиги аниқланди. Демак, АлАТ ферментининг жигардаги синтези ва унинг қондаги фаоллик даражасига нурлантириш таъсири ёшга оид ўзига хосликка эга бўлиб, ушбу ферментнинг жигар тўқимаси ва қондаги фаоллигини ортиши кескин ва давомлироқ бўлар экан.




3-расм. Етук каламушлар қони (А) ва жигар гомогенатидаги (Б) АлАТ фаоллигига γ-нурланишнинг таъсири \*P < 0,05; \*\*\*P < 0,001; n=6.

**Турли ёшдаги каламушлар қони ва жигар гомогенатидаги АсАТ фаоллигига γ-нурланишнинг таъсири.** Ёш каламушлар нурлантирилгандан сўнг биринчи кундан ҳар иккала текширалаётган субстратлар-қон ва жигар гомогенатида АсАТ ферментининг фаоллиги назоратга нисбатан қонда 2 маротабадан кўпроқ ва жигар тўқимасида эса 1,6 маротаба ортганлигини аниқланди. Бу ўзгариш каламушларда тажрибанинг 20 кунигача деярли бир хил даражада сақланиб қолди ва тажрибанинг 30 кунинда дастлабки ҳолағга қайтган бўлса, 60 кунинда эса назоратга нисбатан ишончсиз қисман ортганлиги аниқланди.

Кейинги тажрибаимизда етук каламушлар қонидаги ва жигар гомогенатидаги АсАТ фаоллигига γ-нурланишнинг таъсири аниқланди. Бунда, γ-нурлантирилган етук ва қари каламушларда ҳам худди ёш каламушлар қонидаги ва жигар гомогенатидаги АсАТ фаоллиги бўлган ўзгаришлар кузатилди. Бу ҳолатда, АсАТ ферментининг фаоллиги назорат кўрсаткичига нисбатан қонда ва жигар гомогенатида 1,5-1,8 маротаба ортди. Тажрибанинг 20 кунинда ҳам АсАТ ферментининг фаоллиги текширган суяоқликларимизда назоратга нисбатан юқори ҳолағга қайтганлиги ва тажрибанинг 30 кунинда назорат даражасига, яъни дастлабки ҳолағга қайтганлиги ва 60 кунинда эса бу ўзгаришсиз қолганлиги қайт этилди (4-расм, А ва Б).

Демак, АсАТ ферменти фаоллиги бўйича барча ёшдаги каламушларда γ-нурланишга деярли бир хил жавоб бўлиб, ёшга оид ўзига хослик кузатилмас экан.

Турли ёшдаги каламушларнинг қони ва жигар тўқимасидаги аμιлолитик фаолликка гипокинезия ва  $\gamma$ -нурланишнинг биргаликдаги таъсири. Ҳар икки омилнинг биргаликда таъсири ёш каламушлар жигар гомогенати ва қонидаги аμιлолитик фаоллик таърибанинг биринчи куниданок камайди. Қондаги аμιлолитик фаолликни ўзгариши назоратга нисбатан кундан-кунга пасайиб борганлигида намоён бўлди.



4-расм. Eтук каламушлар қонидаги (А) ва жигар гомогенатидаги (Б) АСАТ фаоллигига  $\gamma$ -нурланишнинг таъсири \* $P < 0,05$ ; \*\* $P < 0,01$ ; \*\*\* $P < 0,001$ ;  $p = 6$ .


Жигар гомогенатида аμιлолитик фаолликни пасайиши қонга нисбатан кескинроқ кечди, таърибанинг 20 кунида назоратга нисбатан деярли 40%га камайди, кейинги кунларда секин аста орғиб борди, лекин таърибанинг 60 кунида ҳам назорат даражасига тенглашмади. Айниқса бу кўрсаткич таърибанинг 60 кунида, қонда камроқ даражада, назоратга нисбатан 18% га кам бўлди. Жигар гомогенатида эса назоратга нисбатан 7% га кам бўлди.

Eтук ёшдаги каламушлар қонидаги ва жигар гомогенатидаги аμιлолитик фаолликка гипокинезия ва  $\gamma$ -нурланишнинг биргаликдаги таъсири ўрғанилганда улардаги натижалар ёш каламушлардагига ўхшаш бўлди. Лекин етук каламушларга икки стресс омилларнинг биргаликдаги таъсирида ўзгачароқ кўрсаткичлар юзага келди. Ушбу омилларнинг таъсирида каламушлар қони ва жигар тўқимаси гомогенатидаги аμιлолитик фаолликни ўзгариши ўзига хос бўлди.

Қондаги аμιлолитик фаолликни ўзгариши таъриба давомида кундан кунга назоратга нисбатан пасайиб борди ва таърибанинг 20 кунидан 60 кунгача бу кўрсаткич назоратга нисбатан икки маротаба пасайганича қолди. Бизга маълумки, қондаги аμιлолитик фаоллик асосан мезда ости беэи, сўлак безларидан инкретия килинган ферментлар ҳисобга таъминланади. Жигар тўқимасидаги аμιлолитик фаоллик таърибанинг биринчи кунидан назоратга нисбатан деярли икки баробар пасайди ва таъриба давомида кундан-кунга ушбу фаоллик тикланиб борди ва таърибанинг 60 кунида назорат даражасига етди. Демак, икки стрессор омилнинг биргаликдаги таъсири натижасида етук

каламушлар мезда ости ва сўлак безларида ушбу ферментни синтези ва қонга инкретияси кескинроқ бузилар экан.

Қари каламушларда ўтказилган таъриба натижалари кўрсатишича, гипокинезия ва  $\gamma$ -нурланишнинг биргаликдаги таъсирида жигар гомогенатидаги аμιлолитик фаоллик таърибани биринчи кундан назоратга нисбатан 24%га камайди. Ушбу кўрсаткич манашу даражада таърибанинг 20 кунгача қолди, 30 кунга назоратга нисбатан 13% кам бўлиб, таърибанинг 60 кунида назорат даражасигача тикланди. Қари каламушлар қонидаги аμιлолитик фаоллик таърибанинг биринчи кунга назоратга нисбатан 15% камайди ва 30 кунида ҳам шу даражада қолди. Таърибанинг 60 кунда бу кўрсаткич кўтарилди, лекин назорат даражасига етмади (5-расм, А ва Б).



5-расм. Қари каламушлар қонидаги (А) ва жигар гомогенатидаги (Б) аμιлолитик фаолликка гипокинезия ва  $\gamma$ -нурланишнинг биргаликдаги таъсири \*\* $P < 0,05$ ; \*\*\* $P < 0,01$ ; \*\*\*\* $P < 0,001$ ;  $p = 6$ .

Демак гипокинезия ва  $\gamma$ -нурланишнинг биргаликдаги таъсирида барча ёшдаги каламушлар жигар гомогенати ва қондаги аμιлолитик фаоллик ёшга оид ўзига хосликларга эга ўзгаришларга учраб экан ва бу ўзгариш асосан фаолликни у ёки бу даражада пасайиши билан намоён бўлар экан.

Биз, шунингдек, гипокинезия ва гамма нурланиш омилларининг алоҳида ва биргаликдаги таъсирида трансминаза ферментларини қондаги ва жигар тўқимасидаги фаоллигини ўзгаришини ҳам ўрғандик. Бунга сабаб ушбу ферментлардан АЛАТ асосан жигарда хосил бўлади ва қонга чиқарилади, АСАТ эса организмнинг бошқа (юрак мускуллари, жигар, бўйрак, мезда ости беэи тўқималари ва б.) тўқималарида ҳам синтезланади, АСАТ/АЛАТ нисбати де Ритис коэффициентига деб аталади, нормада у  $1.3 \pm 0.4$  га тенг Назаренко Г.И. ва б. (2002). Жигар тўқимаси ҳужайралари турли хил эндоген ва экзоген омиллар таъсирига жуда сезгир ҳисобланади ва бунда жавоб реакцияси биринчи навбатда гепатоцитларда ферментатив тизим фаоллиги ўзгариши асосида амалга ошириши қайд қилинади Diaz-Juarez et al. (2017).

Гипокинезия ва гамма нурланиш омилларининг турли ёшдаги каламушларга алоҳида ва биргаликдаги таъсирида трансминаза ферментларини қондаги ва жигар тўқимасидаги фаоллигини ўзгариши

хослиги кузатилди. Гипокинезия таъсирида барча ёшлардаги каламушлар қони ва жигар тўқимасидаги АЛАТ ва АСАТ ферментлари фаоллиги ортди, лекин уларнинг ортиш даражаси ва ортган ҳолда қолиш давомлилиги турлича бўлди. Де Ритис коэффициентини аниқлаганимизда етук каламушларда ушбу кўрсаткич ортганлиги кузатилди, демак АСАТ ва АЛАТ нисбатда АСАТ кўпроқ ортганлигидан далолат беради, бу ўз навбатида гипокинезия таъсирида организмнинг барча тўқимаси функциясини ўзгартирар экан.

Бизнинг олган натижаларимиз ҳам ушбу тадқиқотчилар фикрини тасдиқламоқда гамма нурланишнинг алоҳида ва гипокинезия билан биргаликдаги таъсирида барча ёшдаги каламушлар қони ва жигар тўқимасидаги АЛАТ ва АСАТ фаоллиги ортмоқда. Ҳар бир бобда муҳокама қилинган илмий иш натижалари қуйидаги умумлашган хулосаларни келтириб чиқарди.

### ХУЛОСА

1. Экспериментал гипокинезия ва  $\gamma$ -нурланиш таърибадаги каламушлар ўсиш ва ривожланишига салбий таъсири нагизасида уларнинг вазни дастлабки ҳолатида қолганлиги, қари каламушларда эса ундан ҳам камайиб кетганлиги юзага келади.
2. Таърибаларда турли хил ёш даврларидаги (ёш, етук ва қари) каламушлар жигари тўқимаси ва қондаги айрим ферментлар фаоллигининг экспериментал гипокинезия ва  $\gamma$ -нурланиш шароитида ёшга боғлиқ адаптация механизмлари тавсия этилди.
3. Экспериментал гипокинезия таъсирида етук каламуш жигари тўқимаси, айниқса, қонида амилаза ферменти ва 1-10-20-қунларида липаза фаоллигининг сезиларли даражада ортиши билан изоҳланади.
4.  $\gamma$ -Нурланишнинг дозага боғлиқ хазм ферментлари (амилаза, липаза) сингтсини ва уларнинг қонга инкрещияланиши жараёни фаоллигини сезиларли даражада сусайтири ва аксинча трансминаза ферментлари (АЛАТ, АСАТ) сингтези ва инкрещиясини кучайтиради.
5. Экспериментал гипокинезия ва  $\gamma$ -нурланишнинг комплекс таъсирида каламуш жигари тўқимаси ва қонида гидролитик ферментлар фаоллиги кескин сусайиши, трансминазалар фаоллиги ортиши бунда гипокинезия организмнинг радиацияга нисбаган специфик жавоб реакциясини ўзгартириши билан изоҳланади.
6. Экспериментал гипокинезия ва  $\gamma$ -нурланишнинг комплекс таъсирида каламуш жигари тўқимасида липаза фаоллиги ўзгармаслиги, қонда эса унинг фаоллиги ортиши кўрсатилди.

ДУМАЕВА ЗУХРА НАСИРДИНОВНА

### ВЛИЯНИЕ ГИПОКИНЕЗИИ И ГАММА ОБЛУЧЕНИЯ НА ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ГОМЕОСТАЗА ПЕЧЕНИ У КРЫС РАЗНОГО ВОЗРАСТА

03.00.08 – Физиология человека и животных

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.4.PhD/B138.

Диссертация выполнена в Анджианский Государственный Университет.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (info@namdu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**  
Кодиров Шокир Колирович  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**  
Абдуллаев Гобуржон Рахимжанович,  
доктор биологических наук  
Хамракулов Шариф Хошимович,  
доктор медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:**  
Институт биофизики и биохимии при  
Национальном университете Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится «18 июня 2020 года в 10 часов на заседании Научного совета Ph.D.03.30.12.2019.B.76.01 при Наманганском государственном университете (Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчи, 316-дом. (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрировано под № 18). Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчи, 316-дом. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Автореферат диссертации разослан: «15» июня 2020 г.  
(реестр протокола рассылки № «15» от 15-июня 2020).



А.Э.Зайнабдинов  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.б.н.

Х.Э.Эргашева  
Ученый секретарь научного совета,  
присуждению ученых степеней Ph.D  
по биологическим наукам.

А.Р.Багошов  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.б.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно последним данным Всемирной организации здравоохранения, из-за нынешнего прогресса, привыкание людей к малодвижению становится причиной многих социально-медицинских проблем. В мировом масштабе 10% всех случаев смерти непосредственно связано с малодвижением. А также, в мире среди 11-17 летних школьников у 85% девочек и 78% мальчиков наблюдается гипокинезия, а именно малодвижение. В результате этого, среди населения могут появиться некоторые неинфекционные серьезные опасные заболевания, а именно рак молочных желез и толстой кишки, сахарный диабет, ишемические заболевания сердца. В этой связи, основываясь на обмен энергии в молекулярной физиологии, определение механизмов действия гипокинезии и  $\gamma$ -облучения на функциональную активность печени в организме человека при различных стрессовых факторах имеет важное значение.

В мире ведутся исследования по изучению влияния гипокинезии и  $\gamma$ -облучения на гомеостазную деятельность печени крыс. Эти исследования направлены на определение влияния этих стрессовых факторов на гомеостаз и ферментативную активность в клетках печени молодых, взрослых и старых крыс в условиях длительной экспериментальной гипокинезии. При осуществлении модели экспериментальной гипокинезии у крыс и оценке влияния  $\gamma$ -облучения имеет важное значение исследование влияния гомогената печёночной ткани крыс и амилполитических, липолитических ферментов и ферментов аминотрансферазы (АЛТ, АСАТ) на гомеостаз. А также, изучение изменения работоспособности организма человека в условиях комплексного влияния гипокинезии и радиации в космонавтике, определении изменений строения липидного слоя клеточной мембраны и интенсивности пероксидно-окислительных процессов при накоплении в клетке свободных радикалов, открытые патологических процессов в ферментативных гепатоцитах крови под постоянным действием облучения имеет важное научно-практическое значение.

В нашей Республике уделяется огромное внимание предупреждению и повышению эффективности лечения заболеваний печени, вызванных в результате гипокинезии и  $\gamma$ -облучения. В этой связи достигнуты определённые результаты при разработке механизмов возрастной адаптации активности некоторых ферментов в крови крыс в условиях экспериментальной гипокинезии и  $\gamma$ -облучения.

В стратегии действий по дальнейшему развитию в Республике Узбекистан поставлены задачи по «...дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, обеспечение населения и медицинских учреждений дешёвыми и качественными лекарственными средствами». Исходя из этих задач, определение изменений активности гидролитических ферментов в крови я тканей печени под комплексным действием экспериментальной гипокинезии и  $\gamma$ -облучения имеет важное значение.

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий, направленное на дальнейшее развитие Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.» от 7 февраля 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-2911 «О мерах по созданию благоприятных условий для ускоренного развития фармацевтической промышленности республики» от 20 апреля 2017 года, законом Президента Республики Узбекистан №-394 «О физическом воспитании и спорте» от 4 сентября 2015 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-3031 «Дальнейшему развитию физической культуры и массового спорта» от 3 июня 2018 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики:** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

